

## Соғломлик манбаи

2021 йил 28 февраль куни Институт спорт мажмуасида "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурида белгиланган Ёшларни спортга жалб этиш, жисмонан баркамол бўлиб камол топишлари, ёшларга спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш борасида "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факультети талабалари ўртасида спортнинг футбол тури буйича "Декан кубоги" турнири ўтказилди.



Спорт тадбирида факультет декани Р.Хакимов факультет профессор-ўқитувчилари ҳамда факультетнинг 17-та футбол жамоаси иштирок этди. Футбол мусобақаси Давлатимиз мадҳияси билан очиб берилди, факультет декани барча жамоаларига омад тилаган ҳолда спорт тадбирлари давомли ташкил этиб борилиши бўйича иштирокчиларни табриклади. Футбол турнири қизғин мурасасиз курашлар остида бўлиб ўтди. Турнир якунида ғолиб жамоаларга совғалар, китоблар ва дипломлар ҳамда Декан кубоги топширилди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**